220595

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 16 май, сешанба №58 (21.821.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 май куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти президенти Эйсукэ Сакакибара бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлаб берди.

— Бизнинг бош мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришдир, — деди Ислом Каримов. — Шу боис ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугун миллий валютамизни янада мустаҳкамлаш, молия-кредит сиёсатининг янги тизимини такомиллаштириш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.



СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Эйсукэ Сакакибара Япония тадбиркорларининг Узбекистон ҳукумати амалга ошираётган ислоҳотларга қизиқиши ортиб бораётганини таъкидлади. «Шу боис биз Тошкентда молия ва пул сиёсати бўйича семинар ўтказишдан ташқари, тегишли вазирлик ва муассасалар вакиллари билан учрашиб, Япония томонидан Узбекистон иқтисодиётига киритиладиган сармоялар ҳажмини ошириш имкониятларини ўрганмоқдамиз», деди у.

Қабул маросимида Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул чоғида Японияниг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Полвонзода Абдусамат Абдуҳамидович — Узбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб;

Ишметов Аминжон Жабборович — Узбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб;

Акбаров Рустам Аҳматович,
Анисей Татьяна Усмановна,
Жузбонов Ҳабибулло Сейсембоевич,
Исмоилов Бахтиёр Жўраевич,
Исмоилов Собиржон Абдуллаевич,
Маликов Ҳаким Каримович,
Муҳаммадиев Аюб Абдураҳмонович,
Муҳитдинова Фарруҳа Фахриддиновна,
Носиров Каримхон,
Попков Александр Васильевич,
Сафаева Машкура,
Субхонқулов Жамшед Тўрақулович,
Тоғаев Хўжамурот Алламуротович,
Тойжонов Бахтиёр Мирзаахмедович,
Турсунбоев Йўлчибой Эргашевич,
Усманов Ҳусан Муҳсимович,
Хоменкер Лев Моисеевич,
Хўжамуротов Султонмурот Отамахсимович,
Шурова Альфия Иноғомовна,
Қодиров Собир Солиҳович,
Қорабоев Тоҳиржон Норматович Узбекистон Республикаси Олий судининг аъзолари этиб сайлансин.

2. Қуйидагилар:

Аллашева К. Ш,
Бердиқиличов С,
Иброҳимов А. Ҳ,
Набиев У. И. — бошқа ишга ўтиши муносабати билан;
Зикова Н.В. — пенсияга чиқиши муносабати билан Узбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

Самимий табриклар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Диний эътиқод ва унга садоқатнинг муҳимлигини таъкидлаб, Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Узбекистон халқига зўр мамнуният ила энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Мусулмон йилидаги энг муҳим байрамлардан бири бўлган Қурбон ҳайити ишонч, дўстлик, меҳр-шафқат, ройишлик ва тинчлик каби умумий қадриятларни акс эттиради.

Маккага борадиган кўп зиёратчилар чегара нималигини билмайдиган интилишлар — хавфсизлик ва эркинлик моҳиятини бизга яна бир бор эслатади.

Сизни ва ватандошларингизни Америка халқи номидан кутлуғ байрам билан табриклайман,

Самимий ҳурмат билан,

Уильям КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм

Сиз жаноби олийлари, Узбекистон ҳукумати ва унинг мусулмон халқини буюк исломий байрамлардан бўлмиш мубарак Қурбон ҳайити билан табриклайман.

Ушбу саодатли кунларнинг шарофати ҳамда барча мусулмон давлат ва миллатларнинг ҳамкорлиги ва саъй-ҳаракатлари ила жаҳон мусулмонларининг илгаригидан кўра кўпроқ бахт-саодати ва бирдамлигининг шоҳиди бўламиз, деб умид қиламан.

Аллоҳ таоллодан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Узбекистон мусулмон халқига иззат ва саодат тилайман.

Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,
Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ийд ал адҳа — Қурбон байрами муносабати билан Сизга ва дуст Узбекистон халқига Сурия араб халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий табрик йўллаш менга улкан қувонч бахш этади.

Сиз бу марҳаматли байрамни соғ-саломат ва бахтиёрлик билан, халқингиз эса равнақ ва фаровонликда кўп марта кутиб олишини Аллоҳдан илтижо қиламан.

Ҳафиз ал АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. Л. БОБОЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнати, республика минерал-хом ашё базасини яратишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётгани учун «Узбекнефтгаз» миллий корпорациясининг «Узбекнофизика» Давлат геология корхонаси бош директори Тошпўлат Лепесович Бобожонов Узбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 15 май.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:

1. Узбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди қуйидаги таркибда сайлансин;

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси **Абдусаломов Мирзоулуғбек Элчиевич**;

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосарлари:

Азимов Мурод Каримович,
Умаров Мирзоҳид Собирович;

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари:

Аюпова Раҳима Болабековна,
Головянц Каринэ Юрьевна,
Есниёзов Есенбек Казиевич,
Султонов Шукурулла Шокирович,
Таниқулов Собиржон Мирзаевич,
Федорова Ирина Леонидовна,
Шомирзаева Ёқутхон,
Қориев Сергей Тимурович.

2. Вазифасидан озод қилинсин:

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси **Р.А.Хачатуров**ни — пенсияга чиқиши муносабати билан;

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари:

И.Б.Баранцевани — пенсияга чиқиши муносабати билан;

Ш.Б.Ҳошимовани — соғлиги ёмонлашгани туфайли берган аризасига биноан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

Шу йил 20 май куни Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади. Деярли бир ҳафта мобайнида қозоқ биродарларимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлардан, қадам-бақадам амалга оширилаётган иқтисодий ва маданий ўзгаришлардан янада кенгроқ воқиф бўладилар. Мазкур тадбирни тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раҳбари, республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир АБДУРАҲИМОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

Туркистон — умумий уйимиз

ДИЙДОРЛАШУВ БАЙРАМИГА АЙЛАНАДИ

— Баҳодир ака, Қозоғистонда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси кунларига тайёргарлик хусусида гапириб берсангиз.

— Ўтган йили мамлакатимизда қозоқ дўстларимиз меҳмон бўлиб, қўшни мамлакатнинг бугуни ва порлоқ эртаси ҳақидаги тасаввуримизни бойитишган, ажойиб санъатларини намойиш этиб , дилларимизни хушнуд қилган эдилар. Шу маънода, бизнинг қарийб 500 киши қатнашадиган бу галги сафаримизни жавоб ташрифи дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бу тадбир аввалги маданият ва санъат декадаларидан ўзининг бой ва ранг-баранглиги билан фарқ қилади. Зотан, биз Узбекистоннинг нафақат теран маданияти ва санъатини, балки, фан, иқтисодиёт соҳаларида қўлга киритаётган дастлабки ютуқларини, мавжуд муаммолар қандай ҳал этилаётганини, бунда хорижий давлатлар билан боғланаётган ҳар томонлама тенг алоқалар, аввало, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги, халқларимиз дилида зуҳур бўлган тарихий бирлик, якдиллик туйғуси нечоғли муҳим ўрин тутишини ҳам намойиш этамиз. Мазкур тадбирга тайёргарлик ҳам албатта олдимизда турган вазифа — ана шу эзгу мақсадга яраша бўлди. Бу жараёнда қозоқ дўстларимиз билан бақамти, елкамаелка ишладик. Зеро, кунлар икки мамлакат халқларининг биродарлик байрамига айланиб кетади.

— Кунларнинг дастури, ундан ўрин олган асосий тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Биласизки, Қозоғистон — улкан мамлакат. Биз дастурни ишлаб чиқишда мана шу ҳолни назарда тутдик, яъни бепоён ўлканинг ҳар бир минтақасини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Унга кўра, ўзбекистонлик меҳмонлар олти гуруҳга бўлиниб, Толдиқўрғон, Қарағанда, Тўрғай, Чимкент, Қизил Ўрда ва Жамбул вилоятларида бўладилар. Ҳар бир гуруҳ таркибида фан ва маданият намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, санъаткорлар бўлиб, улар меҳнат жамоаларида, билим масканларида, жамоат ташкилотларида учрашув ва суҳбатлар ўтказадилар. Кўргазмалар ташкил этилади. Шуниси диққатга сазоворки, намойиш этиладиган дўстлик концертларида ўзбек ва қозоқ санъаткорлари тенг иштирок этишади. Бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно зоҳир.

Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунларининг тантанали очилиши 20 май куни Алматидаги республика саройида бўлади. У ўзбек ва қозоқ санъат усталарининг катта концерти билан якунланади.

Шу куни Қозоғистон пойтахтида «Интеграция-95» кўргазмаси очилади. Бир ҳафта давомида бу ерда халқ хўжалигининг турли соҳаларида Узбекистон эришган ютуқлар намойиш этилади. Халқ амалий санъати кўргазмаси эса ҳунармандларнинг бетакрор санъати намуналари билан таништиради. Машҳур «Ялла» дастаси, Ҳамза номидаги академик театр, «Шодлик» ансамбли, ўзбек киночилари ўз дастуларини санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этадилар. Бундан ташқари, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш соҳалари вакилларининг интеграцияни чуқурлаштириш борасидаги амалий суҳбатлари, ўзаро тажриба алмашувлари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Муҳими, халқда меҳр — кўзда деган гап бор. Яширишнинг ҳожати йўқ, мустақил давлатчилик тикланишининг дастлабки йилларида ўтиш даври мураккабликлари сабаб орадаги бордикелди бироз сийрак тортиб қолган эди. Шукр, Президентларимизнинг саъй-ҳаракати, халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб иш кўриши натижасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд барпо этилди. Бир қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Мана, бугун эса бир-биримизда дўстлик байрамларини ўтказишдек хайрли кунларга ҳам етиб келдик.

Президент Ислом Каримов Республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги нутқида «Тасаввур қилингки, ота-юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанча яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади» дея таъкидлаган эди. Ўйлайманки, Қозоғистонда ўтажак Узбекистон Республикаси кунлари ҳам халқларимиз қалбидаги ана шу асрий дўстлик, қардошлик туйғуларини янада камол топтиришга, ҳамкорлик, елкадошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳмад ХЎЖА суҳбатлашди.
(ЎзА).

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто 22-23 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ЧИРЧИҚ — ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК РАМЗИ

13 май куни Чирчиқда шаҳарнинг 60 йиллик тўйи катта тантана билан нишонланди.

Республикамиздаги йирик саноат марказларидан бири бўлган шаҳарнинг биринчи қурувчилари 1932 йилдаёқ азим дарё бўйига келган эдилар. 1935 йилнинг 1 майида Чирчиқ шаҳар мақомини олди. Бугунги кунда Чирчиқ нурчилар, кимёгарлар, металлурглар, бунёдкорлар шаҳрига айланди. Бу ерда 160 мингдан зиёд турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Вилоят бюджетига келиб тушаётган ҳар бир еттинчи сўм, чет эл валютасининг бешдан бир қисми шаҳар меҳнаткашлари ҳисобига тўғри келади. Бу ерда республикамизда тайёрланаётган минерал ўғитларнинг салкам олтмиш фоизи ишлаб чиқарилаётир. Мустақиллик шарофати билан шаҳар саноати мулкчиликнинг илғор шаклларини дадил қўлламоқда. Кимё машинасозлиги корхонаси маданият саройида ўтган тантанали йиғилишда чирчиқликларнинг ана шу бунёдкорлик, яратувчилик ишлари алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов Президентимиз Ислом Каримовнинг Чирчиқ шаҳри меҳнаткашларига табригини ўқиб эшиттирди.

Республика Бош вазири А. Муталов Президент Фармонига биноан меҳнатда ва жамоат турмушида алоҳида намуна кўрсатгани учун тақдирланган бир гуруҳ чирчиқликларга мамлакатимизнинг юксак унвонлари ва фахрий ёрлиқларини топширди.

(ЎзА).

Қўнғироқ

ҚУРУҚ ВАЪДА БИЛАН ГАЗ ЁНМАЙДИ...

Аҳолини тоза ичимлик суви ва таббий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Узбекистон Президенти Фармони одамлар неча йиллаб кутган орзу эди. Шу жумладан, ўзнинг Пастдарғомдаги Қ. Тураев номли жамоа хўжалиги «Баққол» қишлоғи меҳнат аҳлининг ҳам армони эди.

Фармон чиққанига ҳам бир неча йил утган бўлса-да хўжалигимиз раиси А. Сафаров ҳамон «қуюқ» ваъдани бериб келди.1986 йили қишлоғимизнинг ҳар бир хонадонидан 25-30 сўмдан, кейинги йилларда эса 800 сўмгача пул йиғилганди. 1995 йил ҳам бошланди. Газ ўтказиш учун 3,5 минг сўмдан талаб қилиняпти. Бу ҳол хўжалигимизнинг бошқа қишлоқлари учун ҳам одатий ҳолга айланган. Масалан, 1994 йилда «Уникки» қишлоғининг 196 та оиласидан 9 миллион 65 минг сўм-купон йиғиб олинганди.

Қизиқ, бу пул йиғишнинг қулай «усул»и Узбекистон Республикасининг бирор қонунида ёзилганми? Албатта, ёзилмаган! Нега унда А. Сафаров ва унинг ёрдамчилари бизни лақиллатади?!

Ахир, хўжалигимиз деҳқонлари минглаб гектар майдонда дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётган бўлсалар. Биргина ҳудудимизга яқин масофада жойлашган Самарқанд кимё заводи томонидан 1990 йилдан то 1994 йилгача 30 миллион сўм пул хўжалигимиз меҳнаткашлари шароитини яхшилаш учун ўтказилган. Шубҳасиз, бу маблағдан «Баққол» қишлоғимиз бир сўм ҳам манфаат кўрмади. Маълум бўлишича, ушбу завод раҳбарияти шу йил учун 300 минг сўм ўтказишни режалаштирган. Билмадик, бу пуллар қаерга кетяпти.

Хўжалигимиз раҳбари А. Сафаровга бу муаммолар юзасидан кўп маротаба мурожаат қилдик. Аксарият ҳолларда у, «юқори ташкилотларга мурожаат қилсаларинг ҳам, бари бир ўзимга бош уриб келасанлар», деган бир хил жавобни қилади.

Хуллас, биз ёрдам сўраб сизларга арз қилдик. Зора, мушкулимиз осон кечса. Ахир ваъда билан газ ёнмайди, сув келмайди-ку!

«Баққол» қишлоғининг кўп болалик Қаҳрамон оналари:
С. АСАТУЛЛАЕВА,
С. НЕЪМАТОВА,
О. МУРОДОВА,
Ш. ЭРГАШЕВА, жами 28 имзо.

...СУВ КЕЛМАЙДИ

Одам боласининг соғ-саломат яшаши, узоқ умр кўриши учун мусаффо ҳаво нақадар зарур бўлгани каби тоза ичимлик сув ҳам шунчалик зарур. Таъбир жоиз бўлса, аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминлаш — давлат аҳамиятига молик вазифа.

Ҳозир масала худди шу зайлда қўйилмоқда. Афсуски, бу борада Чироқчи тумани Қашқадарёда охирги ўринлардан бирини эгаллаб тургани ачинарли ҳол. Туман аҳолисининг атиги 25 фоизи ёпиқ сув ҳавзаларидан, водопроводлардан фойдаланаётир. Қарангки, туманнинг «Меҳнатобод», «Қалқама», «Чорвадор», Аҳмад Яссавий номли, «Шўрқудуқ», «Соҳибкор», Карим Содиқов номли, «Наврўз» хўжаликларида бирорта хонадонга водопровод ўтказилмаган.

Тўғри, айни пайтда бу муаммони бирданига ҳал этиш анча мушкул иш. Бироқ юқорида номлари зикр этилган хўжаликларнинг ташкил этилганига энг ками 10 йилдан ошаётганини ҳисобга олсак, хўжалик раҳбарларининг аҳоли эҳтиёжига муносабати лоқайдлик ва эътиборсизликдан бошқа нарса эмас. «Бешчашма», Тилла Сафаров номли, «Чияли», Файзулла Хўжаев номли жамоа-ширкат хўжаликларида аҳолининг 10 фоиздан 40 фоизгача қисми ноиложликдан очиқ сув ҳавзаларидан фойдаланмоқда. Мисол тариқасида бир-бирига ёнма-ён жойлашган «Қалқама» ва «Оқчава» жамоа-ширкат хўжаликларини солиштирадиган бўлсак, иккала хўжаликнинг қайта ташкил этилганига 15 йилга яқинлашиб қолди. «Оқчава» хўжалигида ҳам бундан беш-ўн йил аввал ичимлик сув энг оғир муаммо эди. Хўжаликнинг тадбиркор раҳбари елиб-югуриб, деярли ҳамма қишлоқда 20 дан зиёд артезиан қудуқ қазидирди. Эндиликда аҳоли деярли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланган. «Қалқама» жамоа-ширкат хўжалигида эса бу соҳада дастлабки ишлар бошланиб, кейинчалик ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мавжуд табиий чашмаларнинг устини ёпиш, кенгайтириш, қувурлар орқали аҳоли пунктларига келтириш чораси кўрилмаётир.

Халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашининг биринчи сессиясида юқоридаги хўжаликлар шаънига танқидий фикрлар билдирилди. Қатъий вазифалар белгиланди. Зеро, бу масала аҳоли саломатлигига дахлдор экан, уни кечиктириш инсоф ва адолатдан эмаслигини мутасадди раҳбарлар тушунишларини истардик.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МАНФААТЛАР ТУТАШГАН НУҚТА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шофиркон тумани кенгаши, унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ташаббускори бўлмоқда. Ҳокимлик билан туман партия кенгаши, бошланғич ташкилотлар билан бошқарув ҳамда маъмурият манфаатларининг ягона мақсадга йўналгани муваффақиятлар омили бўляпти.

— Бугунги кунда ХДПнинг 2000 дан ортиқ аъзоси 52 та бошланғич ташкилот атрофига уюшган ҳолда турли жабҳаларда меҳнат қиляпти, — дейди туман партия кенгаши биринчи котиби Шарофиддин Тошев. — Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, аъзоларимиз ислоҳотлар қандай самара бераётганлигини амалда кўрганликлари учун ҳам Президентимиз томонидан белгилаб берилган Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболи асосий тамойилларини қизғин маъқулламоқдалар. Уларни амалга оширишга ҳисса қўшишни ҳам фарз, ҳам қарз, деб билаётирлар.

Дарҳақиқат, қайси бошланғич ташкилот фаолияти, ХДП аъзолари меҳнати билан қизиқмайлик, у ерда келажакка ишонч, соғлом муҳит, яхши кайфият устиворлигининг шоҳиди бўляпмиз. Зеро, шунинг ўзи танланган йўл — ҳақ йўл эканлигини исботлаб турибди. Айтиб ўтайлик, бугун туманда хусусийлаштириш, дон мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган ишлар барча партия ташкилотларининг диққат-эътиборида. Аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари кенгаши ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг асосий мундарижасини ташкил этаётирки, бунда асосий масъулият котиблар зиммасига тушяпти.

Сир эмас, айрим шахслар ўтиш давридаги арзимас қийинчиликлар моҳиятини англамай, баъзан котибларга таъна тошини отяптилар. Эмишки, партия ташкилотининг таъсири, обрў-эътибори олдингидек эмасмиш. Аммо ХДП хайрихоҳлари кун сайин кўпайиб бораётгани юқоридаги даъвонинг асоссизлигини исботлаб турибди.

Котибларга келсак, иймон, эътиқод билан иш тутадиган, элим деб, юртим деб яшайдиган етакчилар туманда талайгина. Шунинг учун ҳам партия кенгашининг нуфузи, таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Масалан, Пўлатжон Ҳамроевнинг тумандаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида етакчи бўлиб ишлаётганига ўн йилдан ошди. Нафақат хўжаликда, ҳатто туманда уни танимайдиган киши оз. Қариялар даврасидами, тўй-маъракадами, ҳамма Пўлатжон ака ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Хўш, боиси нимада?

У қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Илмий диссертациясини ёқлаб, олий билимгоҳларда ишлай олмади. Қишлоқ ҳаётига урганган, ҳаётнинг қайноқ қозонида қайнагани учунми, шаҳарга мослаша олмади. Ўз хўжалигида ҳосилот бўлиб ишлашга жазм қилди. Биров у деди, биров бу деди, эл оғзига элак тутиб бўлмайди-ку. У илмий изланишни пахта даласи-ю, бўғдойзорларда давом эттирди. Колхозда ишлади, далаларни яёв кезди, одамларнинг турмуш тарзи билан танишди. Хуллас, меҳнатсеварлиги, билимдонлиги, камсуқумлиги, етти улчаб бир кесиши, кишилар қалбига йўл топа олиши билан эътиборга тушди.

— Пулатжон бор жойда қувноқлик, шеърхонлик, баҳс-мунозара бўлади, — дейди кекса отахон, уруш фахрийси, ХДП аъзоси Норбой Йўлдошев. — Иш ҳам шунга яраша-да. Қачонки ишбоши, етакчи очиқ кўнгил, хушчақчақ, ташкилотчи бўлса, қийинчиликларни бартараф этишнинг йўли топилади-қолади.

Яширмаймиз ҳам, оширмаймиз ҳам: ўн йил мобайнида партия ташкилоти котиби бўлиб ишлаб келаётганларни камдан-кам учратиш мумкин. Пулатжон акага шундай ишлаш насиб этган. Биз хўжаликда бўлган кун ҳам уни қайноқ иш устида учратдик. 143 ХДП аъзоси билан очиқ партия йиғилиши ўтказилаётган эди. Шу йиғилишда 5 киши партия аъзолигига қабул қилинди ҳамда дала ишлари, унда партия аъзоларининг ўрни ҳақида фикрлашиб олинди. Хуллас, бу ерда бу иш бошқарув аъзоларига, буниси партия ташкилотига тегишли, деган ақида йўқ. Барча муаммо ҳамжиҳатлик билан ҳал этилиб келинаётганлиги хўжаликнинг илғорлар даврасидан мустаҳкам ўрин олишини таъминлаяпти.

Хўжаликда аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳам бошқарув, ҳам партия ташкилоти обрусини мустаҳкамлаяпти. Ҳозиргача қарийб ўнта қишлоқ газлаштирилди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишлари олиб бориляпти. Қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида хўжаликда оҳак пишириш, терини ошлаш, унга ишлов бериш, телпак тикиш, тикувчилик цехлари очилди. Кигиз босиш йўлга қўйилди. Бунинг эвазига юздан зиёд йигит қиз иш билан таъминланди. Ғишт заводи, гилам тўқиш цехи, консервалаш корхонаси, пиллани пишириш, атлас тўқиш цехлари очилиши — қишлоқда саноатнинг дадил кириб келишида партия ташкилотининг ҳассаси катта.

— Ҳозирги ўтиш даврида, — дейди партия етакчиси Пулат Ҳамроев, — халқ билан ҳамнафас, ҳамдард бўлган раҳбарга эл эргашади, уни қўллаб-қувватлайди. Партия ташкилоти бюроси аъзолари буни яхши англаган ҳолда халқнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўляптилар. Ҳар бир муаммони бартараф этишда партия фаоллари, фахрийлар Рамазон Замонов, Бобожон Халилов, Рузи Тўхтаев, Ғиёс Қўлдошев, Файзи Бозоровлар билан кенгашиб иш тутмоқдалар.

Хўжаликда якка-ёлғизлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар бор. Партия ташкилоти фаоллари уларнинг ҳолидан доимо хабардор. Ёғ, дон, ун, гўшт маҳсулотлари биринчи навбатда уларга етказилиб бериляпти.

— Бу йил қарийб 300 гектар ерга дон экдик, — дейди бошқарув раиси, ХДП аъзоси Нурмат Умаров. — Насиб этса, жорий йилда галла мўл булади, узимизни дон билан таъминлай оламиз. 800 гектар ерга чигит экдик . Буларнинг бари халқимиз иқтисодиётини кутаришга хизмат қилиши аниқ.

Манфаатлар туташадиган нуқта бу — бошланғич партия ташкилоти. Зеро, бу ерда ҳамма муаммо адолатли ҳал қилинади. Бундай муҳитни яратиш эса кадрларни тўғри танлаш, уларни жойжойига қўйишга ҳам боғлиқ. Шофиркондан қайтарканмиз, шундай хулосага келдик. Тадбиркор, ташкилотчи партия фаоллари бор экан, ҳеч қачон халқнинг юки ерда қолмайди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ ЎРНИГА...

БИЗНЕС ПРЕСС Танловига

Бугунги кунда хусусийлашган дўконми, корхонами, ёки бозорми, ҳуллас, уларнинг ҳиссаси салмоқли бўлиб бормоқда. Лекин баъзи жойларда хусусийлаштириш ишларига панжа орасидан қаровчилар, бу ҳаракатга тўсиқ бўлаётган масъул раҳбарлар ҳам топилиб турибди. Натижада елиб-югураман, тадбиркорлик билан иш юритаман, деб турган кишилар йўлида жойларда сунъий тўсиқлар пайдо бўляпти.

Яқинда таҳририятимизга ёрдам сўраб бир аёл кириб келди. Қўлида шикоят хати ва ҳужжатлардан кўчирмалар, аёл-Хосиятхон Туробова Янгиқўрғон туманидан эканлигини таъкидлаб, сизларнинг ёрдамингизга муҳтожман, деб арзини баён қилди. Шикоятда бошдан-охиригача тадбиркорликда Хосият опанинг туман раҳбарияти томонидан алданганлигидан иборат дард-ҳасрати баён этилган эди.

— Мен 1993 йил июль ойидан бошлаб кўп тармоқли «Достон» хусусий корхонасини ташкил қилдим, — дейди у. — Аввалига бироз ишимиз юришгандек бўлди. Беш нафар фарзандимни яхшироқ боқа бошладим. Тумандаги саккиз оила болалари тўйларини ўтказиб бердим. Тўйга вилоят хайрия жамиятидан, болаларни ҳимоя қилиш жамғармасидан вакиллар келишди.

Корхонамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва шу йўл билан халқимизнинг истеъмол молларга бўлган талабини тўлароқ қондиришга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда истеъмол молларини ишлаб чиқаришга зарур дастгоҳларни сотиб олиш юзасидан шартнома тузиш учун Эронга кетган кунларимда туман ҳокимлиги топшириғи билан кимлардир хусусийлаштириб сотиб олган эски кичик бозорни, у ердаги кўпгина биноларни, расталарни бузиб ташлашибди. Кейин эса туман ҳокимлиги рухсати билан «Райкопторг» деган идорага қолган биноларни омборхона сифатида беришибди. Ахир, мен, 1993 йил август ойида банкдан 50 миллион сўм кредит олиб, бозорчани сотиб олган ва юқоридаги суммани 15-счёт фактура билан Янгиқўрғон тайёрлов савдо бирлашмаси ҳисобига ўтказгандим-ку. Мана, қўлимда унинг барча ҳужжатлари. Наҳотки, шуни ўйлашмаган бўлса, ҳокимликдагилар?

Эрондан қанча қийинчиликлар эвазига шартнома билан халқ истеъмоли молларини олиб келдик. Қарасак, бозорда сотиш муаммо. Сўнг келтирган молларимизни бозорда сотиш учун «патент» олиш мақсадида Янгиқўрғон қўрғон раисига мурожаат қилдик. Унга гапим ёқмади, шекилли, муомалани ўзгартириб дўқ-пўписага ўтди. Нега, копторгни бозордан ҳайдаб чиқардингиз, деди. Мен эса унга бозорни шартнома асосида сотиб олганлигимни яна бир бор эслатдим. Шундан сўнг анчагина тортишдик. Лекин у мени тушунишни истамади. Энди ҳақиқат изламоқ, сизларга мурожаат қилишга мажбур бўляпман...

Очиғи, бу ишбилармон аёл «дардини» тинглаб, туман ҳокимияти Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини унутган кўринади деган хаёлга бордик. Сир эмас, хусусийлаштириш жараёни — ҳали бизда янги соҳа. Уни фақат қонун доирасида амалга ошириш зарур. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, нега аввалига Х. Туробовага кичик бозор хусусийлаштириб берилдию, кейин яна тортиб олинди? Эҳтимол, бу ишбилармон аёл фаолиятида англашмовчиликлар бўлгандир? Алалхусус, туманда бир тадбиркорни сарсон қилиш, унинг имкониятларини бўғиш инсофданмикин? Ўйлай-мизки, вилоят мутасаддилари тадбиркорга тўғри йўл кўрсатиб, унга яқиндан кўмак берадилар.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу табаррук ва нуроний отахонлар Шайхонтоҳур тумани Боғкўча мавзесидаги Баҳром Иброҳимов кўчасида истиқомат қилишади. Республика Президентининг Фармонига биноан Б. Иброҳимов (вафотидан кейин) «Жасорат» медали билан мукофотланди. Матонатли инсон ана шу мавзеда яшаган, маҳалла ишларида фаол қатнашган.

Суратда акс эттирилган маҳалладош отахонлар унинг мароқли ҳикояларини ҳамон эслайдилар. Бугун бу нуронийларнинг ҳар бир куни файзли ва мазмунли ўтмоқда. Йўлбарс Абдуллаев, Мирбаҳром Фаёзов, Фозил ота Саидов, маҳаллақўм раиси Маҳамат Тўлаганов ва афғончи Жўра Зокиров, Турдиали Эралиев, Зокир Убайдуллаев, Атҳам Нўъмонов ва бошқаларнинг ҳаётда босиб ўтган йўллари ва фронт ҳақидаги ҳикоялари ҳозирги авлод учун ибратлидир.

Ш. ШОДИЕВ сурати.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН"...

ШАРТНОМА КУЧГА КИРДИ

· НАМАНГАН вилояти ҳокимлиги ва Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти маъмурияти ўртасида ёзги мавсумда Қирғизистон яйловларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома кучга кирди.

Ҳамма чўпонлар синчиклаб тиббий кўрикдан ўтказилди, улар чодирлар, махсус кийим-бошлар, оёқ кийимлар, озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминландилар. Қўй-қўзилар ветеринария хизмати кўригидан ўтказилди. Наманган вилояти хўжаликларидаги 180 минг қўй ва эчкининг учдан бир қисми бу йил ёзда Қирғизистон яйловларида ўтлайдиган бўлди. Бу ўтган йилга нисбатан анча кўпдир. Яйловлар етишмаслиги сабабли анча оқсаб қолган чорвачиликнинг бу тармоғи ўзининг аввалги имкониятларини тиклашига ишонамиз.

Шартномага мувофиқ, наманганликлар қирғизистонлик шерикларига уруғлик галла етказиб берадилар.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ МАСАЛАСИ ДЕПУТАТЛАР ВА ПРЕЗИДЕНТ ҲУКМИГА ҲАВОЛА ҚИЛИНДИ

· БИШКЕК. Қирғизистон парламентининг халқ вакиллари палатаси раиси Алманбет Матубраимовнинг фикрича, ҳозир республика Президенти ваколатини узайтириш бўйича референдум ўтказишнинг вақти эмас. Бу масалани депутатлар ва Президент ҳал қилади. Шу боис Қирғизистонда бу масала тўғридан-тўғри сайлов ўтказиш йули билан ҳал этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ҚЎШМА КОРХОНА ҚУРИЛЯПТИ

ЛЕНИНОБОД вилоятининг Хўжанд тумани ҳудудида Тожикистон-Исроил қўшма корхонасининг парранда-чилик фабрикаси қурилянти. Фабрика ишга тушгач, бу ерда 380 минг бройлер зотли парранда боқилади. У аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги кунда фабрика биноси қурилиши қизғин давом этмоқда. Қурилиш учун 670 гектар ер ажратилган. Шунингдек, йилига 15 минг тонна парранда гўштини қайта ишлайдиган цех ҳам қурилянти. Совутиш мосламалари ва бошқа барча ускуналар хориждан келтирилмоқда.

МЕДАЛЬ ЭГАСИНИ ЯРИМ СОАТДАН СЎНГ ТОПДИ

ҒАЛАБА куни арафасида Алмати шаҳри туман милиция бўлимларидан бирига кайфияти бузилган уруш қатнашчиси кириб келди. Уни раҳмсизлик билан тунаб кетишганди. Турли орден ва медаллар тақилган костюмини ечиб олишганди.

Милиция дезкорлик билан ҳаракат қилди. Бор-йўги ярим соат ичида камзул ва мукофотлар эгасига қайтарилди. Қарияга хужум қилган 18 ёшли безори эса кўз ёшларини тукишга мажбур бўлди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ТАШКИЛОТ СОТИБ ОЛАДИ:

— Дастгоҳлар /янги ёки ишлатилмаган/;
— координатли йўнувчи;
— токарлик;
— фрезерлик;
— пармалаш;
— гильотинлар /жоду/.

ШУНИНГДЕК:

— В-800 мм. транспортёр лентаси;
— механик юк кўтаргич /қўлда/;
— ВДМ-100/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВД-20/УЗ пайвандлаш тўғрилагичи;
— ВЦП 6-45 №8 парраги;
— ВЦ 4-76 №10 парраги;
— ЦНС-60-250 насос тўплами;
— 1136-В2 турдаги оддий ҳаракатланувчи бир босқичли ҳаво поршенли кўчма компрессор.

Воситачилар /жисмоний ва юридик шахслар/ хизмати учун ҳақ тўланади.

Телефонлар: соат 8⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача 93-08-47, соат 18⁰⁰ дан 21⁰⁰ гача 67-20-79.

ПОЛЬША САВДО КОМПАНИЯСИ

доимий равишда IV ва V турдаги олий ва I-навли

ПАХТА ТОЛАСИ СОТИБ ОЛАДИ

Бизнинг манзил:
EXPORT IMPORT TRADING "EUROTAXPOL" S.C.

80-952 ГДАНСК: ПОЛЬША, ФИЗЗЕРА кўчаси 14/227.

Тел. (104858) 47-17-49.
Тел/факс: (104858) 47-22-29.

СОТИБ ОЛИНГ, ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

1995 йил 27 май куни республика кўчмас мулк биржаси ва Давлат мулк қўмитаси янги қурилаётган автомобиль ёнилғи қуйиш шохобчаларининг

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Ибн Сино мавзесидаги замонавий, қурилиши 85 фоизга тугалланган автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга иншоот. Кўплаб ёрдамчи ва дам олиш хоналари, кафе, дўконлари мавжуд. 10 та ёнилғи қуйиш колонкаси бор.

Бу ажойиб корхонанинг бошланғич нархи — 29,8 млн. сўм.

Сағбон — Охунбобоев кўчасидаги шохобча. Қурилиш ишлари 75 фоизга битган, барча афзалликларга эга, серқатнов катта йўл ёқасида жойлашган.

Бошланғич нархи — 24,7 млн. сўм.

Сағбон — Набиев кўчасидаги ёнилғи қуйиш шохобчасининг тенг ярми қуриб битирилган. Бошқа иншоотлар каби бунинг ҳам қурилишини янги соҳиб ҳисобига тугатишни кафолатлайдиган ташкилотлар бор.

Бошланғич нархи — 12,1 млн. сўм.

Оҳангарон шоҳ кўчасида антиқа лойиҳа бўйича қурилаётган 1,7 гектар майдонни эгаллаб, 400 кв. метрдан ошиқ бинолари бўлган, барча қулайликларга эга, 10 та ёнилғи қуювчи, 5 та ер ости, 4 та мой алмаштирувчи идиши бор замонавий ёнилғи қуйиш шохобчаси мавжуд. Қурилиши 30 фоизга битган.

Бошланғич нархи — 5,5 млн. сўм.

Юртимиздаги ва хорижий барча тадбиркор ҳамда бақувват сармоядорлар ДИҚҚАТИГА!
Ким ошди савдосида иштирок этиш ва барча зарур маълумотлар юзасидан республика кўчмас мулк биржасига: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6-уй. Тел. 67-32-71, 67-22-14, 39-45-46.

МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗНИ СУРАЙМИЗ!

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

Шанба куни Муқимий номли театрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсуповнинг 70 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Уни бадиий сўзустаси Рустам Маъдиев олиб борди. Кечада мусиқашунос олим, профессор Аҳмад Жабборов, Ўзбекистон халқ артисти Илёс Акбаров, бастакор Рустам Абдуллаев, шоир ва драматург Ҳамид Ғулом, мусиқашунос Маҳмуд Аҳмедовлар Матниёз Юсуповнинг ҳаёти ва ижодий йўли тўғрисида сўзлаб бердилар.

Хотираларга Маҳмуджон Ғофуров, Сурьат Пўлатов, Наима Пўлатова, Султонпошша Ўдаева, Олмахон Ҳаитова каби хушовоз хонандалар ва Ўзбекистон телерадио компаниясининг «Мақомчилар», ҳамда болалар «Булбулча» бадиий жамоаларининг серзавқ қуй ва қўшиқлари уланди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

Тарихчи мулоҳазалари

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Республикамизда шаклланган ва ҳозирда амал қилаётган олий тарихий таълим кўп жиҳатлари билан аввалги умумиттифоқ тамойиллари туридан халос бўлганича йўқ. Ўзбекистоннинг давлат эгаменлиги жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраётгани қувончли, албатта. Эндиликда миллий олий мактабларимизда тарихни ўқитиш тизимини ҳам тубдан ўзгартиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Мазкур ижобий эврилишлар республикамиз тарихини ва ҳозирги тараққиётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш билан бирга жаҳон ижтимоий илмининг ҳам диққатга сазовор йўналишларини ўзида мужассам этади. Айни пайтда Ўзбекистон олий тарихий таълим равнақи йўлида яқин ўтмишда тўпланган тажрибаларни танқидий назардан ўтказиб, яхши томонларини олмоқ жоиздир. Истиқлол ҳар бир фуқаронинг ташаббускорлигига кенг имкониятлар яратиб берди. Бугун халқимиз ва Ватанимиз ҳозрўгини кўтариш ўзимизга боғлиқ. Истиқболга ишонч билан одимлаётган юртнинг коригa яраша ҳар бир имонли киши, қоларверса зиёли учун муқаддас бурч бўлмоғи лозим.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, факультетимизда олий тарихий таълимни батамом янгича ташкил қилишдек асосий қоидаларни ўзида ифода этган «Ўзбекистон Республикасининг олий тарихий таълим концепцияси» ишлаб чиқилди.

Олий таълим бакалавр-магистр каби икки босқичли тизимга ўтаётган айни кунларда республикамиз келажаги учун малакали мутахассислар, жумладан тарихчи кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистондаги мавжуд олий ўқув юртларининг тарих факультетлари биринчи навбатда олий ва урта махсус ўқув юртлари, мактаб, лицей, техникум ва коллежлар учун малакали тарихчилар етказиши билан бирга илмий-тадқиқот ташкилотларида ижтимоий ихтисос бўйича ишлайдиган мутахассислар тайёрлашни ҳам амалга ошириш керак. Бу ерда шуни алоҳида қайд этмоқ жоизки, олий мактаблар учун ўқитувчилар ҳамда юқори савияли илмий ходимларни тайёрлаб бериш бугунда барча ўқув юртларининг ҳам имконияти етаверадиган иш эмас. Зеро, кўпгина олийгоҳларда зарурий моддий базанинг ночорлиги ва фаннинг турли тармоқлари бўйича етук мутахассисларнинг тақчиллиги ҳар томонлама комил бўлган тарихчиларни тайёрлашга монелик қилиши шубҳасиз. Қолаверса, бундай кадрларни барча олий ўқув юртлари тарих факультетида кўр-кўрона номигагина тайёрланиши ўзини оқламайди.

Соннинг кетидан қувиш одатининг асоратлари ҳали-ҳануз жамиятимизда сезилиб турали. Шу боис кўп миқдордаги олий ўқув юрти ўқитувчилари ва тарихчи илмий ходимлар республика учун, назаримизда, сал ортиқчалик қилади, бу ўз навбатида уларни иш билан таъминлашдек ўткир муаммони ҳам келтириб чиқаради.

Афтидан, тарих ихтисоси бўйича олий ўқув юрти ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчи ходимларни ТошДУ, СамДУ ҳамда бошқа шу каби нуфузли бош ўқув даргоҳларида тайёрланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда ҳам мутахассислар тайёрлашнинг икки босқичли, яъни бакалавр-магистр тизими қўлланилиши керак.

Шубҳасиз, олий тарихий таълим тизимидаги марказий йўналиш Ватан тарихи — Ўзбекистон тарихи бўлмоғи лозим. Ўзбекистон тарихи бўйича ихтисослашишга алоҳида ўрин берилишнинг боиси шундаки, Президентимиз И. А. Каримов ҳақли таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси шаклланишида халқимизнинг минг йилликлар қаърига бориб туташувчи тарихи муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам Ўзбекистон тарихининг роли беқиёс.

Концепциядаги муҳим йўналиш, сўзсиз умумий тарих бўйича ихтисослашиш бўлиб қолаверади. Башарият тарихий тажрибаларини хилма-хилликда, чуқур ва атрофлича ўзлаштирмасдан туриб, юқори малакали, кенг илмий дунёқарашга эга тарихчи мутахассис тайёрлаш мумкин эмас.

Олий тарихий таълимдаги яна долзарб йўналишлардан бири археология ва этнография каби тарихий фанлар бўйича мутахассислар тайёрлашдир. Бугунги кунда минтақамиз Марказий Осиё халқларининг бой моддий маданияти тарихини кенг ва атрофлича ўрганиш имкониятини яратмоқда. Инсоният цивилизациянинг қадимий бешикларидан саналмиш Туркистон заминининг кечмишини комплекс тадқиқ этиш учун археолог-мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни инобатга олиш зарур. (Бу соҳада олий малакали кадрлар тайёрлашда бой тажрибаларга эга бўлган ТошДУнинг тарих факультети археология кафедраси бош роль ўйнамоғи керак).

Ҳозирда республика этнографларга катта эҳтиёж сезмоқда, чунки яқин вақтларгача Ўзбекистонда улар махсус тайёрланмасди. Оқибатда ўзбек халқининг бой этник тарихи ўрганилмасдан қолаверди. Ҳолбуки, эшшунослик тарихи, оила, турмуш, урф-одатлар ва анъаналар, тарихий антропология жаҳон жамиятшуносликнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Концепцияда илгари сурилган мулоҳазаларга кўра, эндиликда Марказий Осиё халқлари этнографияси ва тарихий антропологияси бўйича мутахассислар тайёрлаш нуфузли ўринни эгаллаши лозим. Бундай кадрлар олий ўқув юртлари, музейлар ва давлат идоралари учун ниҳоятда зарур. Маданият тарихи ва назарияси бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам жуда муҳим вазифалардандир. Санъатшуносликнинг ва маданиятшуносликни чуқур эгаллаш жаҳон андозасидаги юқори малакали тарихчилар тайёрлашнинг муҳим омилларидан. Таассуфки, бизда ҳозиргача Марказий Осиё халқлари маданияти ва санъати тарихи бўйича етарли даражада мутахассислар йўқ. Архившунослик ва музейшунослик ҳам олий тарихий таълимнинг муҳим йўналишларидандир. Республика архив ташкилотлари малакали тайёрланган архившуносларга катта эҳтиёж сезмоқда. Мозийнинг энг ноёб ҳужжатларини кўз қорачиғидай асраш миллатнинг улуғлигидан нишона. Авваллари мазкур соҳа бўйича кадрлар марказда, аниқроғи Москва тарих-архив олийгоҳида тайёрланар эди. Бугунги кунда республикамизда музей ва архив ишлари тизимини кенгайтириш ва уларни етарли мутахассислар билан таъминлаш давлат аҳамиятидаги масалалардан бўлиб қолди.

Бундан ташқари, дунё ижтимоий илмининг илғор ютуқлари билан танишиш, қоларверса чет тилларидаги манбалар устида ишлайдиган юқори малакали тарихчи кадрлар тайёрлаш мақсадида талабаларга хорижий тилларни ўргатишни янада кучайтирмоқ лозим. Талабаларнинг камида бир ёки икки тилни билишлари замон талабига айланмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим ва илмий-тадқиқот ишларини қўшиб олиб боргандагина юқори савиядаги кадрлар тайёрлашда катта натижаларга эришиш мумкин. Шу боис, етакчи университетларнинг тарих факультетлари наинки ўқув, балки йирик илмий марказларга айланмоғи ҳам керак. Уларда Ватан тарихи ва жаҳон тарихи муаммолари устида жиддий тадқиқотлар олиб борувчи илмий лабораториялар тузилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Юқорида олий тарихий таълимни такомиллаштириш ва унинг истиқболлари тўғрисида айрим мулоҳазаларни билдирдик. Башарти, ана шу ниятлар рўёбга чиқар бўлса, унинг умуммиллий манфаатлар йўлига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу мураккаб ва долзарб муаммога республиканинг барча олий ўқув юртлари вакилларининг эътиборини қаратишга ўзимизда журъат сездик. Уни биргаликда муҳокама қилиб тезда ҳаётга тадбиқ этиш фурсати етди.

Ҳондамир ҒУЛОМОВ,
ТошДУ тарих факультети декани, доцент.

Публицист минбари

ВАТАН ҚАЙДАН БОШЛАНАДИ?

Остонаданми? Маҳалладанми? Донишмандлар, Ватан онадан бошланади, дейдилар. Адиб чўлда тушиб ётган оддий чўпни ҳам севиш керак, чунки у юрт ҳудудида ётибди, Ватан ана шу хасдан бошланади, деб ёзади. Уроқчи, буғдой бошоғи ҳилпираган буғдойзордан бошланади юрт, дейди. Чўпонга шу саволни берсангиз, у, сўзсиз, нигоҳини бир сурувга, бир олисдаги баланд тоғларга қадайди. Муслим боболар, Ватан иймон-эътиқоддан бошланади, дейдилар. Муслима момолар, аёлнинг ватани — унинг оила шаъни, деб жавоб қайтарадилар. Кимдир, Ватан кўнгилдан бошланади, дейди. Файласуф олим, Ватан қабристондан бошланади, чунки унда шу азиз тупроқнинг гуллаб-яшнаши, шу элнинг эртаси учун умрини, истеъдодини фидо қилган аждодларимиз ётибди, деб айтади. Дарҳақиқат, ўтмиш даврларда ҳар бир юртга кириш дарвозаси ёнида қабристон бўлар экан. Бунинг маъноси, бу ўлкага қадам қўяётган ҳар бир киши, дилида яхши ёки ёмон ният бўлишидан қатъи назар, инсон умрининг омонат, беш кунлик дунёнинг ўткинчи экани, бас шундай экан, инсон-инсонга ёмонлик истамаслиги, алал-оқибатда ҳамманинг бир ерга–шу манзилга қайтиши ҳақида таъкидлаб қўйиш бўлган. Руйи замин сайқали Самарқанднинг музайян кошоналаридан бири «Бибихоним» пештоқига қуйидаги ҳикмат бежиз битилмаган: «Умр ўткинчидир, уни эзгуликка сарф этингиз». Бу сўзларни, назаримда, ҳар бир инсон ўз қалбига муҳрлаб олмоғи керак.

Ватан қайдан бошланади?

Ватан «Қутадғу билик» ва Навоий ғазалларини ҳис этишдан, улардан-да илгарироқдан, Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларини ўқишдан, Чўлпон сатрларидаги ҳасратни сезишдан ва шуларнинг барини юракда умумлаштира олишдан бошланармикин? Ваё кўҳна Термизу Насафнинг кенгликлари, Бухорою Тошкентнинг не-не тарихларга гувоҳ саройлари, Хоразм қалъалари, Самарқанднинг Шердору, Кўксаройу Чўпонотаси, Кешнинг Оқсаройи, Фарғонаю Андижоннинг маҳзун сойларидан бошланадими? Ёки қўҳна Юнонистондагидан кейин, Овруподагидан анча олдин донишманд Шарқда рўй берган фан ва маданият оламидаги Уйғониш даврларидан, балки улардан-да илгарироқдан Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизийнинг ахли ислом учун дастурималга айланган саҳиҳ (тўғри, ишонарли) ҳадисларидан ёинки улардан-да муқаддасроқ китоблардан бошланармикин? Балки номи афсоналарда куйланган Тўмарис, Широқ, Тўрабека хотун, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Намоз Ботир, Дукчи Эшон, 1916 йилдаги Жиззах халқ қўзғолонидан ёхуд генерал унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёли — Қурбонжон додхонинг жасоратларидан бошланар?

Тарих гувоҳ, ўзбекнинг Ватани ана шу унутилмас ҳодисалар, улуғ номлар, муқаддас битиклар, тоза туйғулар ва юксак тафаккурнинг жамулжамидан иборатдир. Тарих гувоҳ, ўзбекнинг Ватани қозоқларнинг ўтовларидан, туркманларнинг отларидан, тожикларнинг тоғларидан, қирғизларнинг боғларидан бошланади. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг II сессиясида сўзлаган маърузасида Ватанимиз манзарасини ёрқин қилиб чизиб берди: «Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ». Аввал Турон, кейинчалик Туркистон деб аталган ўлка шу ердаги жами эл-улуснинг умумий уйи, Ватани эди ва шундай бўлиб қолади. Бу ўлканинг қандай қилиб беш булакка бўлиб ташлангани ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Аммо, мухтасар тарзда бўлса-да, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, чор Русияси томонидан 1840 йилларда Орол денгизи атрофи босиб олинди. 1853 йилда Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит (Қизил Ўрда) қўлдан кетди. 1861-63 йилларда шу хонлик ҳудудидаги Янгиқўрғон, Динқўрғон, Мерка, Пишкек бой берилди. 1864 йил июнда Авлиёота (Жамбул), сентябрда Чимкент таслим бўлди. 1865 йил апрелда Ниёзбек, майда Чиноз, июлда Тошкент ўрис истилочиларига бўйсунди. 1866 йилда Ҳўжанд, Ўратепа, Жиззах олинди. 1868-93 йилларда Туркистоннинг бутун жанубий — Самарқанддан Кушка ва Помиргача бўлган беадад чегаралар Русия империясининг бир бўлагига айланди. Бу жойларнинг номлариданоқ ҳозир улар қай бир мустақил давлат ҳудудида эканини билса бўлади. Ҳа, азим Туркистон чегараларида тарихан муқим макон тоғган халқларнинг бошига қулфат тушсаям, офтоб тушсаям баробар тушган. Бу ўлка халқларини бир-биридан мутлақо айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг бири бошқасини тўлдириб туради. Бу халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун кураш йўли ҳам бир-бирига ғоятда яқин.

1917 йилда «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» эълон қилинди. Унга мувофиқ, Русия таркибидаги ҳар бир халққа ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилди. Ваҳолонки, Туркистон ҳурриятпарвар кучлари ушбу декларация эълон қилинмасдан илгари мустақил Туркистон давлатини барпо этиш учун кураш бошлаган эдилар. Ноябрь ойида Москвада Бутунроссия Таъсис қурултойига тўпланган халқлар вакилларининг бир кечада отиб ташланиши халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаши ҳақидаги барча умидларни чиппакка чиқарди. Шундан сўнг, 1917 йилнинг ноябрь ойида Туркистоннинг сиёсий жиҳатдан етук арбоблари ташаббуси билан Қўқон Мухторияти ҳукумати ташкил топди. Мухторият ҳукумати таркибида ўзбеклардан ташқари қозоқ, қирғиз, татар улусларининг вакиллари бор эди. Қўқонда Мухторият ҳукумати фаолият кўрсатаётган бир пайтда Қозоғистонда ҳам Мухторият ҳукумати вужудга келди. Қозоқ Мухторияти «Алаш Урда» деб номланди ва Шамай (Семипалатинск)да қарор топди.

Туркистон халқларини улуғ оилага, Туркистонни буюк хонадонга айлантириш ғояси доимо мунаввларимиз, зиёлиларимизнинг қалб истаги бўлиб келган. 1917 йилнинг 6 декабрида Рус империяси таркибида бўлган туркий халқларнинг вакиллари қўҳна Туроннинг қадимий пойтахти бўлмиш Самарқанд шаҳрида Улуғ Қурултойга тўпландилар. Қурултой «Буюк Туркистон Бирлиги (Федерацияси)» давлатини тузишга қарор қилди. Ҳукумат таркиби, ташкилий, сиёсий масалалар кўриб чиқилди. Мазкур ҳукуматнинг ниятлари қанчалик эзгу бўлмасин, у узоқ яшамади. Февраль ойида Советлар ҳукумати томонидан бўғиб ташланди. Кўп ўтмай, «Алаш Урда» ҳукумати ҳам қамоққа олинди. Шу тариқа «Буюк Туркистон Бирлиги» ҳам барҳам топди.

Совет тузуми Туркистон халқларининг ҳар жиҳатдан яқинлигини инобатга олмади. Аксинча, бу яқинликка рахна солди. Дунё бино бўлгандан буён тушгача қозоқнинг ўтовида, тушдан кейин ўзбекнинг хонадонида меҳмон бўлиб, туз-намак тотиб юрган биродарларнинг ўртасига чегара тортилди. Бугун туркманнинг тўйида ўзбек полвони даврага чиқса, эртага ўзбекнинг маросимида туркман бел боғлаб туради. Оралиқдаги чегаранинг тиканли симлари қанчалик мустаҳкам бўлмасин, юракдаги меҳр ришталари олдида жудаям ожиздир. Биронта тожикнинг бошига қулфат тушиб йиғлагудек бўлса, Узбекистонга эшитилиб туради... Ўзбеклар тўйда ёр-ёр бошласалар, тўйхонага гурас-гурас тожиклар тушиб келаверадилар. «... Халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши, ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади».

Ватан қайдан бошланади?

Ана шу уйлар, оилалар, ана шу қишлоқлару шаҳарлардан, ана шу интилишлардан, меҳру муҳаббатлардан бошланармикин?

Марказий Осиё минтақасида халқларимизнинг сиёсий-иқтисодий, маданий қолаверса азалий алоқаларнинг мустаҳкамланишини давр тақозо этмоқда. Ҳа, собиқ СССР ўрнида юзага келган ва яқин атрофдаги мураккаб вазиятдан минтақа ҳудудида тинчлик, барқарорлик таъминланган, бунёдкорлик меҳнати учун тўла имкон яратилган шароитдагина холос бўлиш мумкин. Зеро, мустақил одамлар Ватанни мустақил қиладилар.

Ватан мустақилликдан бошланармикин?

Меҳнат санъатга, ижодга айлансагина эртанинг бўйи бугуннинг қоматидан баландроқ бўлади.

Ватан балки ана шундай меҳнатдан бошланар.

Салим АШУРОВ.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

1995 йил 27 май куни

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ВА ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Савдога қуйидаги иншоотлар қўйилади:

Уй-жой қурилиши ва хусусий ёрдамчи хўжалик ишлари олиб бориш учун ер участкалари:

"Янги ҳаёт" жамоа хўжалигидаги 16 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 11 минг 934 сўм.

"Пахтачи"жамоа хўжалигидаги 16 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 12 минг 780 сўм.

Солдатский шаҳридаги 10 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 14 минг 580 сўм.

"Минг Чинор" қўрғончасидаги 14 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 12 минг 540 сўм.

"Қўрғонча"қўрғончасидаги 36 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 400 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 7 минг 680 сўм.

"Қўрғонча"қўрғончасидаги 3 та ер участкаси. Ҳар бир ер участканинг сатҳи 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 11 минг 520 сўм.

Солдатский шаҳридаги қурилиши тугалланмаган 48 хонадонли уй .
Бошланғич нархи — 102 минг 30 сўм.

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 51, 2-қават, 82-хона. /Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида/

— Қуйи Чирчиқ тумани /туман ҳокимлиги биносида/, хусусийлаштириш бўлими ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.

Ким ошди савдоси Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги мажлислар залида соат 11.00 да бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: Тошкент шаҳрида, /3712/ 33-38-42. Қуйи Чирчиқ туманида, /256/ 72-040.

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ!

Оқибат

БИЛИМ ЮРТИДА ТЎЙ БЎЛАДИ

АНДИЖОН. Чўлпон номли педагогика билим юрти водийдаги тўнғич билим масканларидан ҳисобланади.

Бу ерда мутахассислар тайёрлаш сифати яхшиланиб бормоқда. Жамоа шу йил сентябрда билим маскани ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Ҳозир унга тайёргарлик бошлаб юборилди. Бўлажак тантана муносабати билан Андижон вилояти ҳокими билим юртига хорижда ишлаб чиқарилган «Дамаш» микроавтобусини инъом этишга қарор қилди. Андижон шаҳар ҳокими эса билим юртининг моддий-техника базасини яхшилашга кўмаклашадиган бўлди. Вилоятдаги қатор ташкилотлар билим юртини ҳомийликка олдилар.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

«ТИШИМИЗНИ ДАВОЛАЙМИЗ»

Авиасозлар шаҳарчасига жойлашган Кадишев шоҳбекати ярмарка бозорида тўрт ўртоқ ўтиришарди. Улар дўстлари Отабек Умаровни кўриб қолишди. Ҳолаҳвол сўрашган йигитлар Отабекдан қарзга пул сўрашди. У : «Пулим бор, лекин сизларга бера олмайман, мени даволаётган тиш докторига хизмати учун беришим керак» деб жавоб беради. Тўрт ўртоқ Отабекка тиш доктори яшайдиган манзилни бизга ҳам кўрсат, керак бўлиб қолади, деб илтимос қилишади ва у билан шифокор уйини кўриб қайтадилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, ўртоқлар «маслаҳат»лашиб оладилар. Эри зобит, хотини тиш доктори бўлгандан кейин бой бўлади. Пули, тилла ва бошқа бойликлари кўп, деган фикр уларга тинчлик бермас эди. 1994 йил 31 октябрда биринчи уринишлари амалга ошмайди. 2 ноябрь куни соат 11.00 лар чамаси тўрт оғайни рўзғор пичоғини олиб фуқаро П.нинг уйига навбатдаги юриш қилишди. Дастлаб эшик қўнғироғи босилди. Эшик ярим очилиб-очилмай уйига бостириб кирадилар. Улар пичоқ билан аёлни қўрқитиб уйидаги жами 5.600 сўмлик пул ва буюмларини олиб кетадилар. Мирзо Улуғбек тумани ИИБ жиноят қидирув идораси ходимларининг тезкор ҳаракати туфайли Ҳамза туманида яшовчи йигитчалар орадан бир кун ўтмай қўлга олинди.

Мирзо Улуғбек тумани судлов ҳайъати раиси Нурмат Турсунматов бошчилигида кўрилган уюшган жиноятчилар иши уч кун давом этди. «Қаҳрамон»лар ўз айбларига тўла иқрор бўлдилар. Шу жойда ҳеч қаерда ишламай, ўқимай юрган, ёшларга ижобий тавсиянномалар берган Ҳамза тумани маҳалла оқсоқоллар кенгаши раисларига нима дейиш мумкин? Шу ўринда ўзини-ўзи бошқарув органлари бўлган маҳалла қўмиталари, мактаб маъмурияти, участка инспекторлари фаолияти ўртасида қандайдир узилиш сезилаётганини қайд этиш жоиз. Инспекторларимиз ўз ҳудудида яшовчи бекорчи ёшларни тўлиқ билмайдилар. Фақат жазо муддатини ўтаб келганларни назорат қиладилар, холос. Аслида, биргалашиб, ҳаракат қилинса, ёшларимиз ахлоқ тузатиш колонияларида эмас, меҳнат, билим олиш билан банд бўлардилар.

Ҳукм ўқилди... Энди мазкур «бемор»лар «оғриқ» тишларини панжара ортида «даволатишса» ажабмас...

Мирсолиҳ САИТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани халқ суди маслаҳатчиси.

Китоб жавонингизга

МУСТАҚИЛЛИК - ТАФАККУР МЕВАСИ

Яқинда Самарқанддаги «Зарафшон» нашриётида «Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари» номли монография чоп этилди. Муаллиф Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг философия ва психология кафедраси доценти, Тошкент кимё-технология институти ижтимоий-сиёсий фанлар кафедрасининг тадқиқотчи докторанти Жўрақул Баҳроновдир.

Шахс миллий ўзлигини англаш нима, у қайси қонуниятлар асосида юзага келади ва ривожланади? Унинг миллий ривожланиш, миллатлараро муносабатлар ва жамият тараққиётига таъсири қандай? Миллий сиёсатнинг пойдевори нимадан иборат бўлиши, асосий қоидалари қайси талабларга асосланиши керак? Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, Марказий Осиё халқларининг, у ёки бу миллатнинг, қолаверса мазкур халқ ва миллатга мансуб шахснинг ўзини намоён қилиши воситаларини ҳар томонлама ўрганмасдан туриб қўйилган саволга жавоб топиш мумкин эмас. Соддароқ айтганда, шахснинг миллий ўзлигини англашидек мураккаб масалалар тизимини илмий таҳлилдан ўтказиш зарур. Бу муаммо шунинг учун ҳам муҳимки, аввалги илмий тадқиқотларда мавзу кенг ижтимоий — фалсафий қуламда эмас, балки миллий озодлик ҳаракати, миллий масалани ечишда муайян ташкилотнинг ўрни, миллий онг ва миллий маданиятнинг муносабати каби нисбатан тор йўналишларда ўрганилган ва фақат ҳукмрон сиёсат нуқтаи назаридан хулосалар чиқарилган.

Мазкур ҳолатлар ва жамиятимизнинг илмий-амалий эҳтиёжларини назарда тутган муаллиф шахснинг миллий ўзлигини англаши муаммоларини яхлит ҳолда, муфассал ўрганишни илмий тадқиқотнинг асосий йўналиши қилиб белгилаган. Шунинг учун ҳам китобнинг мундарижаси ва мазмуни «Биз киммиз ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнимиз ҳамда ролимиз қандай?» деган саволнинг фалсафий-тарихий жавобини асослаш мос тарзда белгиланган. Муаллифнинг ютуғи шундаки, у монографияни ёзиш жараёнида кейинги даврда мажбурий «анъана» бўлиб қолган марксизм-ленинизм назариётчилари ва комфирқа қарорларини мутлақ ҳақиқат деб билиб, шу йўсинда хулоса чиқариш йўлидан бормаган ва қатор чигал масалаларнинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий талқинида заҳирий аниқликлар киритишга муваффақ бўлган.

Энг муҳими, монографияда шахс миллий ўзлигини англашидек мураккб, кўп қиррали илмий муаммо яхлитлигича ўрганилган. Илгари эса бу муаммо аксар ҳолларда йўл-йўлакай: мавзу бевосита тақозо этган тақдирдагина муносабат билдириб келинган ва оқибатда миллий ўзликни англаш ҳам муайян қонуниятларга суяниш, айни шу қонуниятлар асосида юз бериши, ривожланиши ёхуд хира тортиши яхлитлигича ўрганилмади. Ана шуларни назарда тутиб Ж. Баҳронов фалсафий — сиёсий, илмий дунёқарашимиздаги мазкур бўшлиқни тўлдириш мақсадида биринчи бор «Шахс миллий ўзлигини англаш қонуниятлари» иборасини қўллаган ва унинг тарихий, сиёсий, фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, рухий, мафкуравий, маънавий, маъмурий омилларга қанчалик боғлиқлигини атрофлича тадқиқ этган. Шунингдек, монографияда шахс миллий ўзлигини англашдаги бошқа муҳим жиҳатлар — миллий бирликнинг номи, шаклланиши ҳудуди, тили, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, фани ва санъати кабилар ҳам миллатларнинг вужудга келишини феодализмнинг емирилиши ва капитализмнинг қарор топиши билан боғлаб тушунтириш мантиқдан йироқлиги ҳар томонлама исботланган. Таъкидлаш ўринлики, ҳалигача бу ҳақда бирон бир илмий адабиётларда бундай фикр билдирилган эмас. Фақатгина, мустақиллик, ижтимоий фанлар олимларининг ҳукмрон мафкура таъсиридан халос бўлаётганликлари туфайлигина ана шундай дадил, илмий фикрларни айтиш имконияти туғилмоқда.

З. РАҲИМОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

Спорт

ФИФА ДАСТУРИ АСОСИДА

• Кеча Тошкент яқинидаги Қибрай ўқув-машғулот масканида халқаро футбол федерацияси — ФИФА дастури асосида «ФУТУРО» халқаро семинари бошланди.

Бу хайрли тадбир ФИФАга янги аъзо бўлган мамлакатларда футболни янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, чемпионат ва халқаро ўйинларни жаҳон талаблари даражасида ўқиштириш мақсадида ўтказилмоқда. Семинарни ташкил этишда машҳур «Кока-кола» фирмаси ҳамкорлик қилмоқда. Футбол ўқувида мамлакатимиз олий, биринчи лига жамоаларининг мураббиллари, ҳакамлар, шифокорлар, республика футбол федерациясининг ходимларидан иборат қарийб 100 нафар киши иштирок этмоқда. Машғулотларни Уэльс, Сингапур, Малайзиядан келган мутахассислар соҳалари бўйича олиб борадилар.

БИРИНЧИ ДУРАНГ

• Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг саккизинчи тур ўйинлари ўтказилди.

Бу сафар мухлислар эътибори Фарғонага қаратилди. Боиси, мамлакат чемпионлари — «Нефтчи» футболчилари пахтакорчиларни қабул қилишди. Учрашувда майдон эгалари чемпионларга хос ҳаракат қилиб, пешқадамлик мавқеларини янада мустаҳкамлаш ниятида эканликларини намойиш этдилар. Зеро, пахтакорчилар ҳам бўш келишмади. Учрашувнинг 32-минутида пахтакорчи Ёрқин Назаров дарвозага тўп киритиб, ҳисобни очди. Учрашув тугашига бир дақиқа қолганда ярим ҳимоячи Сергей Ни пахтакорчилар дарвозасини нишонга олиб, ҳисобни тенглаштирди. Бу «Нефтчи» ҳисобидаги биринчи дуранг.

Ҳозир «Нефтчи» очколарини 22 тага етказган бўлса, «Пахтакор» билан МҲСК жамоаларида бир хил — 17 тадан очко бор. Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: МҲСК — «Темирйўлчи» — 5:0, «Динамо» — «Янгиер» — 1:0, «Атласчи» — «Навроз» — 3:2, «Чирчиқ» — АСК — 1:2, «Машъал» — «Трактор» — 0:0, «Нурафшон» — «Политотдел» — 7:0, «Навбаҳор» — «Суғдиёна» — 2:1.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари 1995 йилда қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантура ва докторантураларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

В. И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: математик анализ; Дифференциал тенгламалар;Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; Математик мантиқ, алгебра ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: математик анализ; Дифференциал тенгламалар ихтисосликларига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 29 уй. Қабул комиссияси телефони 62-56-94.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: назарий физика; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; Аналитик кимё; Радиокимё ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Назарий физика; Қаттиқ жисм физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: назарий физика; Қаттиқ жисм физикаси ихтисосликларига.

Манзил: 702132, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек қўрғони. Қабул комиссияси телефони 64-15-52.

У. О. ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: физикавий электроника; Қаттиқ жисм физикаси ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 33 уй. Қабул комиссияси телефони 62-79-40.

ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

Аспирантурага: қаттиқ жисм физикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика, Лазер ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Қаттиқ жисм физикаси ихтисослиги (сиртқи бўлим).

Докторантурага: иссиқлик физикаси ва молекуляр физика ихтисослигига.

Манзил: 700135, Тошкент, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 29 уй. Қабул комиссияси телефони 76-44-57.

«ФИЗИКА — ҚУЁШ» ИЛМИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (кундузги бўлим);

Қаттиқ жисм физикаси, Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисослигига.

Манзил: 700084, Тошкент, Юнусобод тумани, Ғ. Мавлонов кўчаси, 26 уй. Қабул комиссияси телефони 33-12-71.

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: астрофизика, радиоастрономия ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700052, Тошкент, Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33 уй. Қабул комиссияси телефони 35-06-38.

«АКАДЕМАСБОБ» ИЛМИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: физикавий электроника, оптика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Физикавий электроника ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси. Қабул комиссияси телефони 62-72-73.

М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Асбоблар, ускуналар ва машиналар динамикаси ва мустаҳкамлиги; Механизмлар ва машиналар назарияси; Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва гидромелиорация машиналари; Замин ва пойдевор ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Механизмлар ва машиналар назарияси; Замин ва пойдеворлар ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси. Қабул комиссияси телефони 62-71-32.

«КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: тармоқлар, алоқа йўллари ва ахборотни тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув;Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Биология ва тиббиёт тизимларида бошқарув (ҳисоблаш техникасини қўллаган ҳолда); Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш (тармоқлар бўйича); Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар муаммолари ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Тармоқлар, алоқа йўллари ва ахборотларни тақсимлаш; Техника тизимларида бошқарув; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш (тармоқлар бўйича); Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар муаммолари ихтисосликлари (сиртқи бўлим).

Докторантурага: техника тизимларида бошқарув ихтисослигига.

Манзил: 700143, Тошкент., Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 34 уй. Қабул комиссияси телефони 62-72-47.

ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: саноат иссиқлик энергетикаси; Юқори кучланиш техникаси ихтисосликларига (кундузги бўлим);

Саноат иссиқлик энергетикаси ихтисослиги (сиртқи бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси. Қабул комиссияси телефони 62-05-22.

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё ихтисослигига.

Манзил: 700000, Тошкент, Я. Колас кўчаси, 24 уй. Қабул комиссияси телефони 33-83-88.

ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ

Аспирантурага: табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: 7000001, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70 уй. Қабул комиссияси телефони 35-04-80.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: маъданли ва номаъдан конлар геологияси, уларни излаш ва қидириш, металлогения; илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: 700041, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Н. Ҳожибоев кўчаси, 49 уй. Қабул комиссияси телефони 62-65-16.

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: муҳандислик геологияси, музлоқшунослик ва заминшунослик; Геофизика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Муҳандислик геологияси, музлоқшунослик ва заминшунослик; Геофизика ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари ихтисослигига.

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Қабул комиссияси телефони 41-50-70.

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Фармацевтик кимё ва фармакогнозия ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77 уй. Қабул комиссияси телефони 62-59-13.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: юқори молекуляр бирикмалар кимёси; Композицион материаллар кимёси ва технологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: юқори молекуляр бирикмалар кимёси ихтисослигига.

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7 уй. Қабул комиссияси телефони 41-70-80.

А. СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 83 уй. Қабул комиссияси телефони 62-70-62.

КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ноорганик кимё; Физик кимё; Электркимё; Коллоид ва мембрана кимёси; Нефть кимёси; Рангли ва ноёб металлар металлургияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Электр-кимё; Рангли ва ноёб металлар металлургияси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77 а уй. Қабул комиссияси телефони 62-56-60.

ЎҒИТЛАР ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: анорганик моддалар технологияси; Минерал ўғитлар технологияси; Агрокимё ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Анорганик моддалар технологияси; Минерал ўғитлар технологияси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700407, Тошкент, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 118 уй. Қабул комиссияси телефони 33-39-50.

«БИОЛОГ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: молекуляр биология; Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: генетика ихтисослигига.

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 28 уй. Қабул комиссияси телефони 62-58-21.

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биокимё; микробиология; Биотехнология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Биотехнология ихтисослиги (сиртқи бўлим).

Манзил: 700128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7-уй. Қабул комиссияси телефони 44-25-19.

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ботаника ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Манзил: 700143, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси. 32 уй. Қабул комиссияси телефони 62-70-65.

БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биокимё; Ҳужайра биологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: биокимё ихтисослигига.

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 56 уй. Қабул комиссияси телефони 62-25-66.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биофизика; Олам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1 уй. Қабул комиссияси телефони 46-94-12.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: агрокимё ихтисослигига (кундузги ва ситқи бўлим).

Докторантурага: тупроқшунослик ихтисослигига.

Манзил 700109, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Қабул комиссияси телефони 46-02-63.

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: зоология; Энтомология; Ихтиология; Паразитология; Гельминтология ихтисосликларига (кундузги бўлим); Зоология: Энтомология ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Ниёзов кўчаси, 1 уй. Қабул комиссияси телефони 46-09-00.

ГЕНЕТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: генетика; Молекуляр генетика ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: 702151, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, с/б Юқориюз. Қабул комиссияси телефони 64-23-90.

Ф И. РУСАНОВ НОМИДАГИ БОТАНИКА БОҒИ

Аспирантурага: ботаника ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700053, Тошкент, Юнусобод тумани, Ж. Обидова кўчаси, 232 уй. Қабул комиссияси телефони 35-06-13.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: эндокринология ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: 700125, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 56 уй. Қабул комиссияси телефони 62-27-02.

ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: онкология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Докторантурага: онкология ихтисослигига.

Манзил: 700095, Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 383 уй. Қабул комиссияси телефони 46-25-25.

ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: вирусология;Юқумли касалликлар; Эпидемиология ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700133, Тошкент, Решетов кўчаси, 2 уй. Қабул комиссияси телефони 74-77-55.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ватан тарихи; Этнология; Тарихшунослик; Манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Докторантурага: ватан тарихи; Этнология ихтисосликларига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани академик И. Мўминов кўчаси, 9 уй. Қабул комиссияси телефони 62-39-73.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ҳозирги миллий адабиёт тарихи; Миллий адабиёт тарихи; Адабиёт назарияси; Фольклоршунослик ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ҳозирги миллий адабиёт тарихи; Миллий адабиёт тарихи ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик И. Мўминов кўчаси, 9 уй. Қабул комиссияси телефони 62-42-47.

ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аспирантурага:миллий тиллар ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Докторантурага: миллий тиллар ихтисослигига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик И. Мўминов кўчаси, 9 уй. Қабул комиссияси телефони 62-42-64.

А. БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: умумий тарих (тегишли давр тарихи); Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари; Хорижий мамлакатлар иқтисоди ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 81 уй. Қабул комиссияси телефони 62-54-61.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

Аспирантурага:адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослигига (кундузги бўлим).

Докторантурага: адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослигига.

Манзил: 700011, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69 уй. Қабул комиссияси телефони 44-12-66.

И. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага:диалектика ва билиш назарияси; Фалсафа тарихи; Ижтимоий фалсафа; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; Фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро хусусий ҳуқуқ: Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи, ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; Жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: диалектика ва билиш назарияси; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисосликларига.

Манзил: 700170, Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, академик И. Мўминов кўчаси, 9 уй. Қабул комиссияси телефони 62-38-87.

ИҚТИСОД ИНТИТУТИ

Аспирантурага: иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт; Микроиқтисодиёт ихтисосликларига (кундузги бўлим);

Иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Докторантурага: макроиқтисодиёт ихтисослигига.

Манзил: 700060, Тошкент, Ҳамза тумани Боровский кўчаси, 5 уй. Қабул комиссияси телефони 33-14-78.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Аспирантурага: адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Манзил: 700011, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69 уй. Қабул комиссияси телефони 41-01-34.

САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА: АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: археология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлимлар).

Докторантурага: археология ихтисослигига.

Манзил: 703051, Самарқанд, академик В. Абдуллаев кўчаси, 3 уй. Қабул комиссияси телефони 35-55-13.

МИНТАҚАВИЙ КОМПЛЕКС МУАММОЛАР ТАДҚИҚОТИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазмалар механикаси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси ихтисослигига.

Манзил: 703000, Самарқанд, Темур Малик кўчаси, 3 уй. Қабул комиссияси телефони 33-39-50.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА: ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: қаттиқ жисм физикаси; Коллоид ва мембрана кимёси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

Аспирантурага: иқтисодиёт ва статистика ихтисослигига (кундузги бўлим).

Математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: микробиология; Зоология; Энтомология; Экология; Тупроқшунослик ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Микробиология; Энтомология ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

БОТАНИКА БОҒИ

Аспирантурага: ботаника ихтисослигига (кундузги бўлим).

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ватан тарихи; Археология; Этнология; Санъат тарихи ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлимларга).

Н. ДАВҚОРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: адабиёт назарияси; Фольклоршунослик; Туркий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Адабиёт назарияси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ТАЖРИБА КЛИНИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: акушерлик ва геникология ихтисослигига (кундузги бўлим).

Педиатрия ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: 724000, Нукус, Бердах шоҳ кўчаси, 41 уй. Қабул комиссияси телефони 76822.

Ҳужжатлар 1- турга 1 июндан 1 июлгача, 2- турга 1 сентябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700000, Тошкент, Гоголь кўчаси 70 уй. Илмий кадрлар бошқармаси, телефонлар: 33-59-46, 32-77-07.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0192, 44126 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.